


“ТАСДИКЛАЙМАН”  
Фарғона вилояти ҳокимининг  
Жамоатчилик  
назорати Кенгаши раиси  
  
Х.А.Комилов  
29.04.2025 йил

**Жамоатчилик назорати Кенгашиning 2025 йил 1-чорак давомида  
амалга оширган ишлари ҳамда 2-чорак билан ўз фаолиятимизни  
режалаштириш юзасидан йиғилиш  
БАЁННОМАСИ**

*Фарғона шаҳри*

2025 йил 29-апрел

- Раислик килди:** **Х.О.Комилов-Халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгаши депутати, Жамоатчилик кенгаши раиси.**  
**З.Рахмонов-Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари.** Махалла ва Нуронийлар бошқармаси бошлиқ ўринбосари.
- Иштирок этдилар:** Шаҳар туман ҳокимларининг Мехнат фахрийси, Жамоатчилик кенгаши вакиллари (25 нафар) вилоят ҳокимлиги фаоллари (рўйхат илова этилади).

**КУН ТАРТИБИ:**

1. 2024 йил 23-октябр кунги Фарғона вилояти ҳокимининг 569-11-0-Q/24 сонли қарори билан Жамоатчилик Кенгаши аъзолари рўйхатини таништириш.
2. 2025 йил 1-чорак давомида амалга оширилган ишлар ҳамда 2-чорақдаги вазифаларни белгилаб олиш.

*Х.О.Комилов-Халқ депутатлари  
Фарғона вилоят Кенгаши депутати,  
Жамоатчилик кенгаши раиси.*

Йиғилиш раиси Х.А.Комилов йиғилиш катнашчилариға кун тартибидаги масалалар билан таништириди

Раис ўз маърузасида 2024 йил 23-октябр кунги Фарғона вилояти хокимининг 569-11-0-Q/24 сонли қарори билан Жамоатчилик Кенгаши аъзолари рўйхатини қайтадан шакиллантирилганлиги ва ушбу рўйхатга киритилган аъзолар ҳамда уларни меҳнат фаолияти юзасидан хисобот берди. Раис ўз маърузасида вилоятимизда узоқ йиллар юртимиз равнаки учун фидокорона меҳнат қилган катта тажрибага эга инсонларни ушбу кенгашга аъзо бўлганлиги албатта бу қувонарли холлигини такидлади. Йиғилиш давомида албатта бу фидоий инсонларимиз босиб ўтган меҳнат фаолияти давомида юртимиз равнақига хисса қўшганлиги ва келажак ёшларни тарбиялаш ҳамда вилоятимизнинг барча соҳаларини ривожлантиришда тажрибаларидан фойдаланиш бош мақсад эканлиги такидланди. Раис ўз сўзида Кенгаш таркибиға янги киритилган аъзолар меҳнат фаолиятига мувофақиятлар тиланди.

Йиғилиш давомида Жамоатчилик кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар албатта режа асосида кетаётганлиги. Бугнги кунда режага киритилган мактаб ва мактабгача таълим соҳасидаги ислоҳатларни бориши сифатли таълим тизимини холати ва ўкувчилар ҳамда боғча тарбилинувчилар учун яратилган шарт-шароитлар кенгаш вакиллари томонидан атрофлича ўрганилганлиги ва вилоят хокими томонидан хукумат соатида мухокама қилинганлиги такидлаб ўтилди. Қишлоқ хўжалигидаги пахта мавсумига чигит экиш, ғаллани йиғиб олиш, бозорлардаги нарх наволарини кескин ошиб кетиши юзасидан доимий назорат олиб бориш режаси хақида тизимли ишлар олиб бориш кераклиги такидланди. Юкорида айтиб ўтилган йўналишдаги ишларни ва мавжуд муаммоларни олдини олишда албатта тизим раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш ва камчиликларни бартарф этиш юзасидан аниқ тақлифлар режалар ишлаб чиқилиб вазифалар белгилаб берилди.

Кун тартибидаги кўрилган масалалар ва билдирилган тақлифлар ва мулохазалардан келиб чиқиб Жамоатчилик Кенгаши

### ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. 2024 йил 23-октябр кунги Фарғона вилояти хокимининг 569-11-0-Q/24 сонли қарори билан Жамоатчилик Кенгаши аъзолари рўйхати таништирилганлиги ижро учун қабул қилинсин.
2. 2025 йил 2-чоракдаги амалга оширилган ишлар ва тасдиқланган режа асосида Бешариқ Фурқат ва Ўзбекистон туманлари бозорлар фаолияти юзасидан ўрганиш олиб борилсин.
3. Белгилаб олинган вазифаларни ижросини таъминлаш ва назоратини ўз зимамда қолдираман.

Йиғилиш котиби:

Х.Рахмонов